

РЕСПУБЛИКА ФАРМАЦЕВТЛАРИ “БАНК МАЪЛУМОТЛАРИ”

М.М.Миралимов, Г.С.Юсупова

Тошкент фармацевтика институти., Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: фармацевтлар малакасини ошириш факультетида ўқув жароёнини ташкиллаштириш, малака ошириш мунтазамлигини таъминлаш мақсадида компьютер технологияларидан унумли фойдаланиб Республика фармацевтлари “Банк маълумотлари”ни тўплаб, программалаштириш бугунги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Усуллар: Республика фармацевтлари тўғрисидаги “банк маълумотлар”ни махсус программа асосида таҳлил қилиш учун, Ўзбекистон республикаси фармацевт мутахассислари тўғрисидаги маълумотларни: лицензиялаштириш қўмитаси материаллари асосида; Тошкент фармацевтика институти архив материаллари асосида; фармацевтлар малакасини ошириш факультетида ўз малакасини оширган тингловчилар анкета маълумотномалари асосида; вилоятлар бўйича “Дори-дармон” акциядорлик жамиятлари ва Соғлиқни сақлаш тизимининг бош фармацевтлари ёрдамида тўпланган маълумотлар асосида “банк маълумотлари” тўпланди. Банк маълумотлари фармацевтларни меҳнат фаолияти иш жойи, турар жойи, тоифага эга бўлган вақти, меҳнат фаолиятидаги мунтазамлиги ва бошқа фармацевтик амалиётдаги фаоллик кўрсаткичлари билан тўлдириб борилмоқда. Тўпланган маълумотлар махсус программа бўйича компьютер тизимида киритилиб, таҳлил қилинмоқда.

Натижалар: банк маълумотлари натижаларини шу кунги таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган фармацевтлар сони 2005 йилгача бўлган маълумотга асосан 7822 мутахассисни, шу жумладан шифохона дорихоналарида 711 та фармацевтни ташкил этишини кўрсатди. 2007 йилгача бўлган маълумотга асосан 8765 мутахассисни, шу жумладан шифохона дорихоналарида 812 та фармацевтни ташкил этишини кўрсатди. Бу мутахассисларнинг 2300 дан ортиғи Тошкент шаҳрида, 800 дан ортиғи Қашқадарё вилоятида, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятларининг ҳар бирида 600 дан ортиқ, Андижон, Бухоро, Жиззах, Тошкент вилоятларининг ҳар бирида 500 дан ортиқ, Навои, Сирдарё, Сурхандарё, Хоразм вилоятларининг ҳар бирида 200 дан ортиқ фармацевт фаолият кўрсатаётгани аниқланди. Олинган натижаларга кўра ўртача ҳисобда йилига 1750 та фармацевт малака

ошириши зарурлиги аниқланди ва вилоятлар бўйича уларнинг малака ошириш тақсимоти режалаштирилди.

Хулосалар: Республика бўйича Фармацевт кадрлар “Банк маълумотлари” тўпланиб, махсус программа тизимига киритилди. Уларни малака ошириш мунтазамлигини таъминлаш режалари тузиб чиқилди. Фармацевтларни республика вилоятларида тақсимоти (аҳоли сонига нисбатан) бир меъёردа бўлмаганлиги аниқланди.